

Сийрат дарслари (32-дарс)



СИЙРАТ

дарслари 32-дарс

ISLOM.UZ

Сийрат дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Бу – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» таржима китоблари ва “Ҳадис ва ҳаёт”нинг 19-жузъи асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

13:30 / 10.05.2019 4212

179. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳнинг исми билан, Аллоҳ ила ва Расулуллоҳ миллати билан олға боринглар! Кекса чолни, кичкина болани ва аёл кишини ўлдирманглар! Ўлжани беркитиб олиб, ўз ўлжаларингга қўшиб олманглар! Солиҳ амал қилинглар! Эҳсон қилинглар! Аллоҳ эҳсон қилувчиларни севади»**, дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

* * *

180. Ирбоз ибн Сория Суламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Хайбарга тушдик. У зот билан бирга саҳобалари ҳам бор эди. Хайбарнинг соҳиби ўзбошимча мункар киши эди. У келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Муҳаммад! Сизлар эшакларимизни сўясизларми, меваларимизни ейсизларми, аёлларимизни урасизларми?» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғазаблари чиқди ва: **«Эй Ибн Авф, отингни мин! Сўнгра жар сол: «Албатта, фақат мўминга ҳалол бўлур! Намозга жамланинглар!» дегин»**, дедилар. Шунда одамлар тўпланишди. Набий алайҳиссалом улар билан намоз ўқидилар ва ўринларидан туриб:

«Бирингиз сўрисига ёнбошлаб олиб, Аллоҳ Қуръондагидан бошқа ҳеч нарсани ҳаром қилгани йўқ, деб гумон қиладими? Огоҳ бўлинглар! Мен ваъз қилдим, амр қилдим, кўп нарсалардан қайтардим. Ана ўшалар Қуръон мислича ёки кўпроқдир. Агар сизга зиммаларидагини берсалар, албатта, Аллоҳ азза ва жалла сизларга аҳли китобнинг уйига изнсиз киришни ҳам, аёлларини уришни ҳам, меваларини ейишни ҳам ҳалол қилган эмас», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

* * *

181. Амр ибн Авф Музаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сулҳ мусулмонлар орасида жоиздир. Фақат ҳаромни ҳалол қилган ёки ҳалолни ҳаром қилгани мустасно. Мусулмонлар шартларининг устидан чиқишади. Фақат ҳалолни ҳаром қилган ёки ҳаромни ҳалол қилган шарт мустасно»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

* * *

182. Сулайм ибн Омирдан ривоят қилинади:

«Муовия ва Рум аҳли ўртасида аҳднома бор эди. У уларнинг юртларида юрганида аҳднома ниҳоясига етди ва улар устига ғорат қилди. Бирдан отлиқ бир киши келиб: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Яшасин вафодорлик! Йўқолсин вафосизлик!» деди. Қарашса, у Амр ибн Абаса экан. Муовия одам юбориб, ундан бу ҳақда сўради. Шунда у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Кимнинг бир қавм билан аҳдномаси бўлса, вақти ўтмагунча ва уларга уруш эълон қилмагунча, ўша аҳдни бузмасин ҳам, тузмасин ҳам»**, деганларини эшитганман», деди. Шунда Муовия одамларни олиб қайтди».

Термизий, Абу Довуд ва Ибн Жоруд ривоят қилишган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан